

Рамазон ойида Умра зиёратини ташкил этиш юзасидан хабарнома



10:40 / 20.03.2022 2900

Аллоҳга шукрки, “COVID-19” пандемияси сабабли тўхтаб қолган Умра зиёрати, узоқ муддатли танаффусдан сўнг, катта қувонч билан яна қайта йўлга қўйилди.

Мўмин-мусулмонларимиз Каъбаи Муаззамани тавоф қилиш, Расулимиз алайҳиссаломнинг муборак равзаларида намоз ўқиш, дуо қилиш, у зоти шарифга салом бериш бахтига муяссар бўлдилар.

Ҳақ таоло Қуръони каримда: “Ҳаж ва Умрани Аллоҳ учун мукамал адо этинг”, – деб баён қилган. Шунингдек, ҳадиси шарифларда Умра ибодати учун улкан савоблар, даражалар ваъда қилинган. Жумладан,

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам: “Умра – умрагача бўлган хатоларга каффоратдир”, – дея марҳамат қилганлар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда, ҳаж ва умра тадбирларини ташкил этиш борасида ҳам катта қадамлар ташланди: Умра сафарига бўлган эътибор кучайди, навбатлар сезиларли даражада камайтирилди, хизмат кўрсатиш сифати янги босқичга олиб чиқилди. Буларнинг барчаси – юртдошларимизни хурсанд қилмоқда.

Қувонарли жиҳати, 20 март куни, “Умра-2020” мавсумида сафар харажатларини тўлиқ амалга оширган, лекин “COVID-19” пандемияси сабабли зиёратга бора олмаган фуқароларимизнинг охириги гуруҳлари Саудия Арабистонига жўнаб кетади.

Шу билан, Саудия Арабистони билан мавжуд шартномага мувофиқ, “COVID-19” пандемияси сабабли зиёратга бора олмай қолган 23 минг юртдошимизни Умра сафарига юбориш ишлари тўлиқ якунланади.

Айни кунларда Рамазон ва Шаввол ойларида Умра сафарини амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий ва амалий ишлар жадал суръатда олиб борилмоқда.

Аввал хабар берганимиздек, ҳозирги кунда Саудия Арабистонида “COVID-19” пандемияси билан боғлиқ ўрнатилган карантин талаблари аста-секин юмшатилиб, Саудия ҳукумати томонидан барча давлатлар, хусусан, Туркия, Малайзия, Индонезия, Эрон ва Миср каби йирик мусулмон мамлакатларига Умра зиёратини ташкил этишга рухсат берилди.

Бу эса, ўз навбатида, меҳмонхона ва бошқа турдаги сервисларга талаб ошишига, хусусан, Рамазон ойида ташкил этиладиган Умра тадбирларининг нарх-навосига таъсир кўрсатишига сабаб бўлиши ҳақида ҳам маълумот берилган эди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан ҳамкор ширкат вакиллари билан Рамазон ойида ташкил этиладиган Умра зиёрати юзасидан музокаралар олиб борилди ва белгиланадиган нарх бўйича ўзаро келишувга эришилди.

Таъкидлаш зарурки, Рамазон ойида Саудия Арабистонидаги мавжуд шароитдан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш нархлари ошаётган бўлсада, саъй-ҳаракатлар натижасида Шаввол ойида (Рамазон ойидан кейин) Умра мавсумининг охиригача зиёратчиларнинг сафар харажатлари учун

амалдаги мавжуд қиймат сақлаб қолинади.

Яна бир муҳим масала, юртдошларимизнинг Умра зиёратига бўлган талаб ва истакларини инобатга олиб, Умра сафарини сайёҳлик фирмалари орқали ҳам қисман ташкил этиш масаласи кўриб чиқиляётганини маълум қиламиз.

Ўз навбатида, узоқ муддатли танаффусдан сўнг, юртимиз мўмин-муслмонларига муборак Рамазон ойининг раҳматга тўла кунларини яна Икки Ҳарамда ўтказиш бахтини насиб этган Аллоҳ таолога шукроналар айтамыз!

Ўзбекистон муслмонлари идораси Матбуот хизмати